# VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 13620 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 12929 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,9 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 19,0 фоизи), саноат (15,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (14,8 фоизи) ва қурилиш (9,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётганкорхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)*

| | *Рўйхатга олинган* | | *Фаолият кўрсатаётган* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **13620** | **100,0** | **12929** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2009 | 14,8 | 1888 | 14,6 |
| саноат | 2056 | 15,1 | 1951 | 15,1 |
| қурилиш | 1251 | 9,2 | 1212 | 9,4 |
| савдо | 2591 | 19,0 | 2407 | 18,6 |
| ташиш ва сақлаш | 516 | 3,8 | 494 | 3,8 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 927 | 6,8 | 860 | 6,7 |
| ахборот ва алоқа | 194 | 1,4 | 167 | 1,3 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 199 | 1,5 | 198 | 1,5 |
| бошқа фаолият турлари | 3877 | 28,5 | 3752 | 29,0 |

2018 йил 1 апрель ҳолатига 10696 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 4104 та, оилавий корхона – 420 та, масъулияти чекланган жамият – 5796 та, акционерлик жамияти – 20 тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари**

*1 апрель ҳолатига*

2018 йилнинг январь-мартида жами 874 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 652 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 21,4 фоизи), Ш.Рашидов (18,1 фоизи), Бахмал (10,4 фоизи) ва Зомин (8,6 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 23,1 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 16,5 фоизи саноат ва 12,9 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 94 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 42 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 44,7 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар.** 2018 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 90 тани ташкил этди.

2018 йил январь-март ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 11 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси – 2 та, Корея Халқ Демократик Республикаси – 1 та, Россия Федерацияси – 4 та, Туркия Республикаси – 5 та, Жанубий Корея Республикаси – 1 та янги корхона тўғри келди.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**

*2018 йил 1 апрельхолатига*

| | *Корхоналар сони* | *Жамига нисбатан, %* |
|---|---|---|
| **Жами** | **90,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 10 | 11,1 |
| Саноат | 64 | 71,1 |
| Қурилиш | 3 | 3,3 |
| Савдо | 7 | 7,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 2 | 2,2 |
| Ахборот ва алоқа | 1 | 1,1 |
| Бошқа фаолият турлари | 3 | 3,3 |

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 90 та корхонанинг 64 таси (71,1 фоизи) – саноат, 10 таси (11,1 фоизи) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7таси (7,8 фоизи) – савдо, 3 таси (3,3 фоизи) – қурилиш, 2 таси (2,2 фоизи) – ташиш ва сақлаш, 1 таси (1,1 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади.